

# **МУСТАКИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ**

## **«Shahrisabz paxta tozalash» АЖнинг Молиявий ҳисоботларига**

### **Ф И К Р**

Биз «Shahrisabz paxta tozalash» АЖ, кейинги ўринларда – «жамият» (Манзили: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси 110-уй, СТИР 200706483) аудитга тақдим қилинган 2022 йил учун қуйидаги молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Shahrisabz paxta tozalash» АЖ тақдим қилган 2022 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун асосидаги бухгалтерия ҳисобини юритишнинг стандартлари талабларига мувофиқ келади.

### **ФИКР БИЛДИРИШ УЧУН АСОСЛАР**

Биз ушбу аудитни халқаро аудит стандартлари (ХАС) асосида ўтказдик. Бизнинг жавобгарлигимиз ушбу стандартнинг “Бухгалтерия йиллик ҳисоботларини аудит ўтказишда аудитор жавобгарлиги” бўлимида очиб берилган. Мустақил аудитор ва аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги қоида, аудиторларнинг касбий этикаси кодекси, профессионал бухгалтерларнинг касб этикаси кодексига кўра биз жамиятга нисбатан мустақилмиз. Юқоридаги кодекслар Халқаро стандартлар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган профессионал бухгалтерларнинг касб этикаси ва биз бажараётган шунга ўхшаш мажбуриятлар шу касб этикаси талабларига асосланган. Биз томондан аниқланган аудиторлик далиллари етарли ва асосли бўлиб, билдираётган фикримизга асос бўла олади.

### **РАҲБАРИАТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА МАЪСУЛ ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

Жамият раҳбарияти бухгалтерия йиллик ҳисоботларини Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни талаблари асосида белгиланган тартибда тайёрланиши ва ишончли тақдим қилиши, ички назорат тизимини йўлга қўйиш, муҳум бузилишларсиз, виждонан ва хатосиз тайёрланиши учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боглиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Жамиятни корпоратив бошқаришга маъсул шахс жамиятнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш ишларини назорат қилишга жавобгардир.

#### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаيمиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сисъатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажақдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин



  
 аудитор: А.У.Хўжақулов  
 Серт. № 05590, 07.02.2019 й.

**МЧЖ "ZAMIN Oil-Audit" аудиторлик ташкилоти**  
 Манзили: Карши шахри, Шибаетв кучаси, 1-уй, 15-хонадон  
 17.02.2023 йил